

НУРЎҒДИ ТОШЕВ

Жалолиддин Мангуберди

(рисола)

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2011

УДК 94(575)(092) Мангуберди
ББК 63.3(5Ў)
Т64

Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Тақризчи:
тарих фанлари доктори А. Аҳмедов

Тошев, Нурёғди.

Жалолиддин Мангуберди (рисола) / Н. Тошев; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 32 б. – (Тарих ва тақдир).

Ушбу рисолада ануштегинийлар сулоласининг сўнгги вакили, буюк саркарда ва давлат арбоби, миллий қаҳрамонимиз хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердининг мураккаб ҳаёт йўли, унинг мўғул истилчиларига қарши қаҳрамонона кураши қисқача ҳикоя қилинади. Унда довурак ватандошимиз ҳақида кенг китобхонлар оммасига яхши маълум бўлмаган айрим қизиқарли маълумотлар, ҳаётининг лавҳалар қаламга олинди.

Мазкур рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Мангуберди
ББК 63.3(5Ў)



Сўзбоши

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланиши жараёнида унинг тарихдаги сиёсий мавқеи, иқтисодий тараққиёти ва маданий юксалишини чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ўтмишда бу ўлкада вақти-вақти билан йирик давлатлар таркиб топган ва уларнинг вужудга келишида айрим шахслар: давлат арбоблари ва ҳарбий саркардаларнинг алоҳида хизмати бор. Жумладан, ўрта асрларда Ануштегинлар – Хоразмшоҳлар салтанатида Жалолиддин Мангубердининг саркардалиқ фаолияти, мустақиллик учун фидокорона кураши тарих зарварақларида битилиб қолган.

1999 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикасида, хусусан, Хоразм вилоятида Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги тантанали нишонланди. Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангубердига муҳташам ҳайкал ўрнатилди. «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди. Муаллифлар жамоаси томонидан яратилган «Жалолиддин Мангуберди» китоби ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилинди. Ўша йили Жалолиддин Мангуберди фаолияти ёритилган бошқа тарихий асарлар қаторида ушбу рисола ҳам нашр қилинган эди. Шу нарса диққатга сазоворки, тез орада китобнинг ҳамма нусхалари тарқалиб кетди ва ўқувчилар мулкига айланди. Ўтган ўн йилдан ортиқ вақт давомида биз ушбу рисолани айрим янги маълумотлар билан тўлдирдик ва уни талабчан ўзбек китобхонлари ҳукмига қайтадан ҳавола қилишмиз.



Ёзма манбаларда Жалолиддин Мангуберди тавсифи

А нуштегинийлар сулоласи бошқарган Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231 йиллар)нинг кўп йиллик тарихи ўша давр мусулмон тарихчилари томонидан ёзилган қатор асарларда ўз аксини топган. Улар асосида ушбу сулоланинг сўнгги вакили, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳукмронлиги, унинг мўғул истилочиларига қарши қаҳрамонона кураши ҳамда Ғарбий Осиё сарҳадларидаги фаолиятини кузатиш ва таҳлил элагидан ўтказиш мумкин. Айрим манба ва адабиётларда қаҳрамонимизнинг исми Мангбурни шаклида ҳам келтирилади.

Бу манбалар орасида Жалолиддин Мангубердининг шахсий котиби (котиб ал-иншо) Шаҳобиддин ибн Аҳмад ан-Насавий қаламига мансуб «Сират ас-Султон Жалолиддин Мангбурни» («Султон Жалолиддин Мангбурнининг таржимайи ҳоли») номли асар алоҳида ўрин тутади.

Нассо (Нисо) вилоятидаги қалъалардан бирининг соҳиби бўлган Насавий 1224 йилда хизмат юзасидан Ироққа бориб қолади ва ўша ерда Султон Жалолиддиннинг хизматига киради. Шундан эътиборан у Жалолиддиннинг ишончли мулозимларидан бирига айланиб, то 1231 йилгача, яъни Жалолиддиннинг вафотига қадар у билан бирга бўлади: уни жангу жадалларга кузатиб боради, муҳим номаларини қўлтиқлаб, элчилик вазифасини адо этади ва ҳоказо. Султоннинг фожиали ҳалокатидан сўнг Насавий хизматни бошқа ҳукмдорлар қўл остида давом эттириб, 1249 йилда Ҳалаб шаҳрида дунёдан кўз юмади.

Насавий ўз қаҳрамонини яқиндан билган, асарида баён топган воқеа-ҳодисаларнинг аксариятида бевосита иштирок этган ёки шохид кишиларнинг хабарларига таянган, энг муҳими, ҳолисона ва ҳаққоний сўз айтишга интилганки, булар асарнинг

илмий қиммати ҳамда ишончлилик даражасини оширади. Муаллиф ўз асарини битишга Жалолиддин вафотидан қарийб 10 йил ўтгандан сўнг – 1241 йилда киришган ва, табиийки, эркин фикр билдириш имконига ҳам эга эди.

«Сират ас-Султон Жалолиддин Мангбурни»нинг арабий асл матни ва турли тилларга қилинган таржималари бир неча бор дунё юзини кўрди. Хусусан, у таниқли шарқшунос олим З.М. Буниётов томонидан рус тилига ўтирилиб, икки марта (иккинчиси арабча матн билан бирга) чоп этилди. Асар ўзбек тилида ҳам К. Матёқубов таржимасида «Султон Жалолиддин Мангуберди» номи билан икки марта нашр этилган.

Араб тилидаги муҳим манбалардан яна бири Ибн ал-Асир номи билан машҳур тарихнавис Иззаддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Жазирӣ рақам этган «ал-Комил фи-т-тарих» («Тарих ҳақида мукаммал китоб») солномасидир.

Ибн ал-Асир 1160 йилда Месопотамия (Икки дарё оралиғи) да йирик амалдор оиласида дунёга келади, умрининг кўп қисмини Дажла (Тигр) дарёси бўйидаги Мўсул шаҳрида ўтказиб, 1233 йилда шу ерда оламдан ўтади. У Арабистон, Сурия, Фаластин мамлакатлари бўйлаб саёҳатларга чиқиб, бўлажак шоҳ асари учун маълумотлар тўплайди. Ибн ал-Асир бир муддат ай-юбийлар сулоласининг асосчиси Салоҳиддин Юсуф ибн Айюб (1171–1193) хизматида бўлган ва 1188 йилда унинг салибчиларга қарши жанглирида ҳам иштирок этган.

«Ал-Комил фи-т-тарих» Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихининг ислом тарқалишидан то 1231 йилгача бўлган давридан баҳс юритувчи энг қимматли манбалардан бири саналади. Ўн икки жилддан иборат бу ҳажмдор асарнинг охирги жилдидан мўғуллар босқини билан боғлиқ воқеалар баёни ҳам жой олган. Муаллиф Жалолиддиннинг фаолиятига кенг ўрин ажратади ва кўпинча ўзининг муҳим ва аниқ маълумотлари билан бошқа манбаларни сезиларли даражада тўлдиради. Солнома матни бир неча бор нашр этилган. Айрим тилларга қилинган парча-таржималар ҳам мавжуд. Асар Ўрта Осиё тарихига оид қисмининг П. Булгаков бажарган рус тилига таржимаси 2006 йили Тошкентда Ш. Камолитдинов томонидан нашр этилди.

Асар XX аср бошларида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (ҳукмронлик даври: 1865–1910) фармойиши билан тўдалигича ўзбек тилига таржима қилинди. Охириги жилд таржимони Домулло Отажон хожа ибн Қаландар хожа охунд Хоразмийдир (Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. № 6802).


Биз сўз юритаётган даврга оид муҳим ҳамда батафсил манбаларнинг учинчиси – бу ҳассос муаррих ва йирик давлат арбоби Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушой» («Жаҳон фотиҳи тарихи») асаридир.

Жувайнийлар хонадонининг бир неча вакиллари Хоразмшоҳлар давлатининг арконларидан бўлганлар. Жумладан, Баҳоуддин ибн Али Жувайний 1192 йилда Султон Алоуддин Такаш (ҳукмронлик даври: 1172–1200) хизматига киради. Унинг набираси, муаллимизнинг бобоси Шамсиддин Муҳаммад эса дастлаб Алоуддин Муҳаммад (ҳукмронлик даври: 1200–1220), кейинчалик Жалолиддин Мангубердиннинг бош вазири сифатида фаолият кўрсатган. Аммо унинг ўғли Баҳоуддин тахминан 1232 йилда бир гуруҳ аслзодалар билан бирга мўғуллар хизматига киришга мажбур бўлади ва ўғли Алоуддинни ҳам хизматга жалб этади.

Чингизхоннинг чевараси Ҳулагухон томонидан Исмоилийлар давлати (1090–1256) ва Бағдод халифалиги (750–1258) тугатилиб, Элхонлар салтанатига (1256–XIV аср ўрталари) асос солингач, Алоуддин Жувайний Бағдод ҳокими этиб тайинланди ва умрининг охирига қадар шу мансабда қолди. У 1283 йилда 57 ёшида дунёдан ўтди.

«Тарихи жаҳонгушой» 1252–1260 йиллар оралиғида форс тилида таълиф этилган, уч жилддан иборат. Эронлик олим Мирзо Муҳаммад Қазвиний томонидан асарнинг танқидий матни тузилиб, нашр этилган. Европа тилларига тўла ёки қисман қилинган таржималари ҳам бор.

XIII аср бошларидаги суронли воқеаларнинг замондоши сифатида асар битган тарихчилардан яна бири Минҳожиддин ибн Сирожиддин Муҳаммад Жузжоний (1193–1265 йилдан кейин)дир. У 1226 йилда Ҳиндистонга бориб, у ерда Шамсиддин Элутмиш



Машхур муаррих, элхонлар вазири Рашидиддин Фазлulloҳ (1247–1318)нинг 1300–1310 йиллар орасида яратилган «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») солномаси мўғуллар тарихига оид энг қимматли манбалардан бири сифатида эътироф этилган. Аммо Рашидиддин Хоразмшоҳлар тарихи, мусулмон мамлакатларининг мўғуллар томонидан истило этилиши ҳамда Жалолиддин Мангубердининг ҳукмронлик даври воқеаларини асосан Жувайнийнинг ҳамда қисман Ибн ал-Асирнинг мазкур асарлари асосида баён этади ва айтарли янги маълумот бермайди. Худди шу фикрни суриялик тарихчи Абулфараж Бар Эбрей (1226–1286)нинг «Тарих мухтасар ад-дувал» («Сулолаларнинг қисқача тарихи») асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Ёзма манбаларнинг яна бир гуруҳи (Нуриддин Зайдарий, Муҳаммад Ҳамавий, Ибн Бибий, Сибт ибн ал-Жавзий асарлари) борки, улар Султон Жалолиддиннинг Кавказорти ва Кичик Осиёдаги фаолияти, маҳаллий сулолалар билан муносабати каби муҳим масалаларда юқорида санаб ўтилган асарларга қўшимча равишда қимматли маълумотлар беради.

Биз Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятидан нақл қилувчи асосий, энг муфассал асарларни санаб чиқдик, холос. У ҳақдаги маълумотлар бошқа мусулмон тарихчиларининг асарларида, шунингдек, хитой, мўғул, арман ва бошқа тиллардаги манбаларда ҳам учрайди.

Мўғуллар босқини

Хоразмшоҳлар давлати XI асрнинг охирларида Буюк Салжуқийларга тобе мулк сифатида тарих сахнасига кўтарила бошлади. У сулола асосчиси Ануштегин номи билан Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар давлати деб аталади. Ушбу сулоланинг Алоуддин Отсиз (ҳукмронлик даври: 1127–1156), Абулфатҳ Эл-Арслон (ҳукмронлик даври: 1156–1172), Алоуддин Такаш (Текиш) сингари иқтидорли ва сиёсатдон вакиллари саъй-ҳаракатлари туфайли Хоразмшоҳлар давлати мустақилликни қўлга киритибгина қолмай, балки ўз даврининг йирик ҳам қудратли салтанатларидан бирига айланди. Унинг ҳудуди айниқса Султон Такашнинг ўғли Алоуддин Муҳаммад даврида янада кенгайиб, ғарбда Бағдод халифалиги чегараларидан тортиб шарқда Ҳиндистонгача ва шимолда Орол денгизидан жанубда то Форс кўрфазигача чўзилган ерларни ўз ичига олар эди.

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ўз салтанатини янада кенгайтириш, янги-янги ерларни забт этишга бел боғлади. Гуржистон (Грузия), Сурия ва Мисрга юриш учун қўшин ажратилган, Бағдод халифаларидан дунёвий ҳокимиятни тортиб олиш учун ҳаракатлар олиб борилаётган эди. Бироқ Бағдодга қарши 1217 йилдаги муваффақиятсиз юриш натижасида бу режалар амалга ошмай қолди. Ўшанда Хоразм лашкарлари Бағдод шаҳри яқинидаги Асадобод довонида қор бўронига учраб, катта талафот билан орқага қайтган эди.

Хоразмшоҳнинг жаҳонгирлик борасидаги узоқни кўзловчи мақсадлари Хитойни фатҳ этишни ҳам назарда тутарди. Аммо Хитой аллақачон Чингизхон томонидан забт этилганлиги ҳақида хабар етгач, Султон Алоуддин Муҳаммад бу маълумотнинг тўғри-ноғўрилигини текшириш ниятида Чингизхон ҳузурига элчилар юборди. Элчилар миш-мишларнинг айнаи ҳақиқат эканини тасдиқлашди.

Чингизхон бу элчиликка жавобан кетма-кет икки марта элчилар жўнатди. Иккинчи гал элчилар катта савдо қарвони билан бирга йўлга чиққан эдилар. Қарвон чегара шаҳар Ўтторга етиб келганида шаҳар ҳокими, Султон Алоуддин Муҳаммаднинг тоғаваччаси Инолчиқ Ғойирхон элчиларни жосуслик ва аҳоли

Ўртасида ваҳимали гаплар тарқатишда айблаб, ҳибсга олади ва бутун карвон аҳлини қатл этади. Қирғиндан омон қолган ягона киши – туяқашдан юз берган фожиа хабарини эшитгач, Чингизхон Инолчиқни топширишни талаб қилиб яна элчилар жўнатди. Ўз қариндоши ва катта амирларидан бирини душманга топшириш хоразмшоҳнинг шаъни ва нуфузига тўғри келмас, қолаверса, бу иш осон ҳам эмас эди. Султон мўғул элчисини қатл этиш, иккала ҳамроҳининг эса соқолини кесиб ташлашни амр этади. Чингизхон тездан ғарбга юриш ҳозирлигини кўра бошлади.

Мазкур элчилар алмашиш даврида хоразмшоҳнинг мўғуллар билан биринчи, маълум маънодаги тасодифий тўқнашуви юз берди. Манбалардаги маълумотларга кўра, Султон Алоуддин Муҳаммад мўғул қўшини таъқибига учраган меркит қабиласининг қипчоқлар юртига қочиб борганини эшитиб, 60 минг кишилиқ қўшин билан Самарқанддан йўлга отланади ва Иргиз дарёсидан кечиб ўтиб, Тўрғой чўлидаги (ҳозирги Қозоғистон ҳудудида) жанг бўлиб ўтган жойга етиб келади. Меркитлар бағамом қириб ташланган эди. Бир ярадор жангчи мўғуллар жанг майдонини яқинда тарк этишганини маълум қилади. Хоразмшоҳ кейинги кун тонгда уларга етиб олади. Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўчи (Жўжи) отасининг хоразмликлар билан жанг қилишни тақиқлаганини айтиб, жангдан бош тортишга ҳаракат қилади, аммо хоразмшоҳ *«Чингизхон сенга мен билан олишишни буюрмаган бўлса ҳам, Аллоҳ таоло менга сен билан урушишни амр этади»*, дея жанг бошлайди. Куннинг охирига бориб ҳар иккала қўшиннинг ўнг қаноти душманнинг чап қаноти устидан ғолиб чиқади. Хоразмшоҳ қўшинининг ўнг қанотига эса ушбу жангда ёш Жалолиддин Мангуберди раҳнамолик қилган. У қуршовга олина бошлаган отасига ёрдамга етиб келишга ҳам улгуриб, душман ҳамласини даф қилади. Тунда мўғуллар ёқилган гулханларни қолдириб, ўзлари яширинча жанггоҳни тарк этадилар.

Асосий уруш ҳаракатлари эса 1219 йилнинг эрта кузида бошланди. Хоразмшоҳнинг бемулоҳаза қарори билан қўшин турли шаҳарларга тарқатилиб, шаҳарлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда, гарчи ҳимоячилар қаттиқ қаршилиқ кўрсатган бўлсалар-да, мўр-малаҳдек ёпирилган мўғуллар шаҳар

ва қишлоқларни бирин-кетин ишғол эта бошладилар. 1220 йилнинг ўрталарига келиб бутун Мовароуннахр, кейинги икки йил мобайнида Хуросон, Эрон ва бошқа ўлкалар босиб олинди. Забт этилган шаҳарлар ва уларнинг аҳолисини бир-бирига ўхшаш аччиқ қисмат кутарди: мўғуллар аҳолини шаҳар четидаги очиқ майдонга ҳайдаб чиқиб, хунармандлар, ёш хотин-қизлар ва бир қисм болаларни қулликка ёки бошқа шаҳарлар қамалида тирик ҳимоя девори сифатида ишлатиш учун ҳайдаб кетишар, қолганларни эса ёппасига қиличдан ўтказардилар. Бўш қолган шаҳарлар мўғул аскарлари томонидан бир неча кун давомида таланиб, сўнгра ер билан яксон қилинади.

Қаттиқ қаршилик кўрсатилган ҳолларда мўғуллар шафқатсиз ўч олардилар. Масалан, Бухоро шаҳри олинганидан сўнг мўғуллар аҳолини қирғинбарот қилиб, халқ кўз ўнгида аёлларнинг номусига тегиб, сўнг шаҳарга ўт қўйдилар. Пишиқ ғиштдан қурилган бир неча бинони ҳисобга олмаганда, бутун шаҳар ёниб қулга айланди. Хуросонга қочиб борган бир бухороликдан бўлган воқеаларни сўраб-суриштиришганида у шундай жавоб беради: «Келдилар, титдилар, ёндирдилар, ўлдирдилар, ҳайдадилар, кетдилар».

Ёки Термизни олайлик. Мўғуллар бу ерда қатли ом уюштириб бўлганларидан сўнг бир аёлни учратиб қолишади. У аёл омонлик сўраб ялиниб-ёлворади ва бунинг эвазига марварид ваъда қилади. Мўғуллар марваридни талаб қилганларида аёл уни ютиб юборганини маълум қилади. Мўғуллар унинг қорнини ёриб, қимматбаҳо тошни оладилар. Шунда Чингизхон барча аёлларнинг қорнини ёриб кўришга фармон беради.

Гурганж (Қўҳна Урганч) ҳимоячилари истилочиларни беаёв савалаб, минглаб қурбонлар беришга мажбур этишган эди, душманнинг ўчи ҳам даҳшатли бўлди: мўғуллар Амударёга қурилган тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостирдилар. Тарихи қадар қадим маданиятга эга бир азим шаҳар батамом ер юзидан супуриб ташланди. Ўтрор, Хўжанд, Марв, Насо (Нисо), Толиқон ва бошқа шаҳарлардаги хунрезлик ва вайронагарчиликлар ҳам юқоридагиларга ўхшаш бўлган.

Самарқанд таслим бўлганидан сўнг Чингизхон хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг қўшин тўплаб, қаршилик кўрсатишига йўл бермаслик ва уни тириклайин қўлга тушириш мақсадида

саркардалари Жебэ ва Субутойни 20 минг кишилик қўшин билан хоразмшоҳнинг кетидан юборди. Уларнинг таъқибига учраган Султон Алоуддин Муҳаммад Хуросон ва Эрон орқали ўтиб, Каспий денгизидаги ороллардан бирига келиб қолади. Борбудидан мосуво бўлиб, ғам-алам остида оғир хасталикка чалинган Султон Алоуддин Муҳаммад шу ерда 1220 йил декабрда оламдан ўтди. Ниҳоят, Жалолиддин Мангуберди учун мустақил равишда ҳаракат қилиш имконияти пайдо бўлган эди.

«Ўғлим Мангубердигина қасос олишга қодир...»

Жалолиддин хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг Ойчечак исмли хотинидан туғилган тўнғич ўғли, бинобарин, тахтнинг қонуний вориси эди. Бироқ хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад қипчоқ қавмидан бўлган онаси Туркон хотун (унинг номи асл туркийчада Теркен; арабий ёзувли манбаларда Туркон шаклида ёзилади)нинг тазйиқи остида катта ўғиллари Жалолиддин Мангуберди ҳамда Рукниддин Ғурсанчтини четлаб ўтиб, ёш Ўзлоқшоҳни валиаҳд этиб тайинлаган эди. Туркон хотун Ойчечак ва унинг фарзандини ғоят ёмон кўргани ҳолда, ўзининг қабиладош ва уруғдош келинидан туғилган набираси Қутбиддин Ўзлоқшоҳга ҳар тарафлама ҳомийлик қиларди. Насавий нақл этиб ўтган бир воқеа Туркон хотуннинг шахси ва унинг ўз набираси Жалолиддинга муносабати ҳақида равшан тасаввур беради. Тарихчининг ёзишича, мўғулларнинг сиқувидан оғир аҳволда қолган Туркон хотунга мулозимлардан бири Жалолиддиннинг куч-қудрати ҳақида сўзлаб, унинг паноҳига қочиб боришни маслаҳат солганида, Туркон хотун шундай жавоб беради: *«Ойчечакнинг ўғлининг марҳаматига қарам бўлмогим қолувмиди? Бундан кўра Чингизхон қўлида тутқун бўлиш ва ҳозирги хўрликларим афзалроқ!»* Манбалардан маълум бўлишича, қанғли (айрим маълумотларга кўра, боявут) қабиласига мансуб бўлган бу малика Хоразмшоҳлар давлатида иккинчи хукмдор даражасида иш кўрар, салтанатнинг барча ишларига аралашарди.

Кетма-кет муваффақиятсизликлардан ўзини ўнгломай, душман таъқиб остида Каспий денгизи бўйларига бориб қолган хоразмшоҳ Муҳаммад ўлими олдидан, онаси Туркон хотуннинг

мўғулларга асир тушганини эшитганидан сўнг ўз ҳукмини бе-
кор қилади ва ўғиллари Жалолиддин, Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳни
ҳузурига йиғиб, васиятини баён қилади: «Салтанат ришталар-
и узилиб, давлат асослари бўшашиди ва қулаб тушиди. Ғанимнинг
мақсади энди аён: у тирноқлари ва тишлари билан мамлакатга
чанг солган. Мен учун ундан (яъни, ғанимдан – Н.Т.) фақат ўғлим
Мангубердигина қасос олишга қодир. Шунинг учун уни тахт вори-
си этиб тайинлайман, сизлар эса унга итоат этмогингиз лозим».

Хоразмшоҳ вафот этганидан сўнг шахзодалар Урганчга
қайтадилар. Аммо пойтахтдаги Туркон хотун тарафдорла-
ри Жалолиддинга қарши суиқасд уюштирадилар. Бундан ўз
вақтида огоҳлантирилган Жалолиддин 300 нафар суворий билан
Хўжанд ҳокими Темур Малик ҳамроҳлигида шаҳардан чиқиб ке-
тади.

Шахзодаларнинг ўз нуфузи ва мавқеидан ёхуд мамлакат бо-
шига тушган нотинчликлардан фойдаланиб, тахтни эгаллаш
учун отасига ёки оға-иниларига қарши бош кўтарганликларига
тарихда қўплаб мисоллар топилади. Жалолиддин эса эл-юрт
озодлиги йўлида ўзининг қонуний ҳуқуқидан ҳам воз кечиб,
умум манфаати учун шахсий манфаатларини қурбон қила олди.

Хоразмшоҳнинг ҳамма ўғилларида ҳам шундай хислатлар
етарли бўлмаганлиги пировард-натижада уларнинг ва умуман
Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокатига сабаб бўлди, дейиш
мумкин. Масалан, Ғиёсиддин Пиршоҳни олайлик. Жалолиддин
Синд дарёси бўйидаги жангда бутун лашкаридан жудо бўлиб,
куч тўплаш учун Пиршоҳ тасарруфидаги ерларга келганида, у
акасига қарши 30 минг кишилик қўшин юборади. Пиршоҳнинг
онаси Бекларой ҳамда амирларнинг саъй-ҳаракатлари билангина
биродаркушлик урушининг олди олинади. Кейинроқ, 1228 йил-
да Исфаҳон шаҳри ёнида мўғуллар билан бўлажак муҳим жанг
арафасида Пиршоҳ ўз қўшинини олиб, қочиб кетади. Ушбу
жангда гарчи Жалолиддин ғалабага эришган бўлса-да, бу ғалаба
катта талафот эвазига қўлга киритилди.

Айни чоғда адолат юзасидан шуни таъкидлаш жоизки,
хоразмшоҳнинг барча ўғиллари ўз хонадони ва олий рутбала-
ри шаънига доғ туширмай, қўлларида шамшир билан ҳалок
бўлдилар. Ўзлоқшоҳ билан Оқшоҳ тенгсиз жангда ваҳшийларча
ўлдирилди. Рукниддин Ғурсанчти эса Устунованд қалъасида

Устунованд – ҳозирги Эрон ҳудудидаги қадимий шаҳар) 6 ой давомида душман ҳолини танг қилиб, охири мадад етишмаслиги оқибатида асир олинди. Мўғул саркардаси Тоймас нўён ундан тиз чўкиб таъзим этишни талаб қилганида Ғурсанчти қийноқ-азоб ва ўлимни афзал кўрди.

Жалолиддиндан фарқли ўлароқ, бу шаҳзодаларга ғаним билан муносиб курашиш учун фақат бир муҳим нарса – юксак ҳарбий даҳо етишмаган кўринади. Жалолиддинга ҳарб иши учун зарур нарсалар ато этилган экан, у ҳолда унга нима етишмади?

Жалолиддин Мангубердининг саркарда сифатидаги маҳоратига муносиб баҳо бериш учун у қарши курашган асосий душман, яъни мўғулларнинг ҳарбий қудратини тўғри баҳолаш зарур. Адолат юзасидан шуни эътироф этиш жоизки, Шимолишарқий Осиё кўчманчиларининг асрлар давомида тенги бўлмаган ҳарбий санъатини тўла ўзлаштирган, фавқулодда жангари турк-мўғул-тунгус қабилаларидан ташкил топган Чингизхон кўшини беҳад катта, бизнинг одатий тахайюлотимиз доирасига сиғмас даражада қудратли ва даҳшатли куч эди. Мўғуллар жанг кечаётган жой, душманнинг кам-кўплиги ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қай усул ёки ҳийлани қўллашни яхши билишар, Хитойдаги уруш давомида шаҳарларни қамал қилиш усулларини ҳам яхши ўзлаштирган ҳамда қамал қуроллари ясаш ва ишлатишни биладиган хитойлик усталарни ўз хизматларига жалб этган эдилар. Улар жанг пайтлари ғоят ажиб бир жўшқинлик, тўғрироғи, жазава билан урушар, шиддатли ҳаракатлари ва турли ҳайқириғу наъралари билан ёғий кўнглига ваҳима солардилар. Тан олиш керак, душман мард ва қатъиятли эди. Ибн ал-Асирнинг ҳикоясига кўра, бир мўғул аскарини асир олиб келишаётганида у ўзини отдан ташлаб, катта тошга бошини қаттиқ уриб жон таслим қилади.

Айни пайтда Турон сарҳадларини ватан тутган халқларнинг эл-юрт ҳимояси, эрк ва озодлик масаласи ҳал бўлаётган вақтдаги азму шижоати, ҳарбий маҳорат бобидаги салоҳияти ҳам тарихдан яхши маълум. Фақат одамларни ўзига эргаштира оладиган, ҳарб ишининг сир-синоатларидан бохабар, қудратли йўлбошчи топилса бас. Жалолиддин Мангуберди ана шундай йўлбошчи эди.

Табиий савол туғилади: нега унда Жалолиддин тўла ғалабага, мўғул босқинини буткул даф этишга муваффақ бўла олмади? Бунинг турли-туман сабаблари кўп. Аммо, фикримизча, битта асосий сабаб борки, унга тўхталмай ўтишнинг иложи йўқ.

Уруш бошланиши арафасида, унинг муқаррарлиги аён бўлгач, хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад мудофаа масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ҳарбий кенгаш чақиради. Унда Жалолиддин Мангуберди, Шаҳобиддин Хивакий ва бошқа лашкарбоши ҳамда мулозимлар бутун қўшинни бир жойга тўплаш, қулай пайт ва жой танлаб, душман билан очиқ майдонда жанг қилишни таклиф этадилар. Лекин, минг афсуски, хоразмшоҳ билдирилган барча таклифларни рад этиб, ўзининг сон жиҳатдан мўғуллардан 2–3 баробар ортиқ қўшинини йигирмага яқин шаҳарларга тарқатиб юбориш, ҳар бир шаҳар ҳимоясини унинг ўзига юклашдан иборат мудҳиш хатога йўл қўяди.

Бу хатонинг энг аламли ва фожиали жиҳати аввало шундаки, мўғулларни очиқ майдонда, эҳтимол, фақат очиқ майдондагина мағлуб этиш мумкин эди. Улар Ғарбга юришлари давомида уч марта, яъни 1221 йилда Парвонда (ҳозирги Афғонистон ҳудудида) Жалолиддин билан, Волга дарёси бўйида Итил (Волга) булғорлари ҳамда 1260 йилда Фаластинда Миср мамлуклари билан бўлиб ўтган энг катта жангларда қақшатқич мағлубиятга учраган бўлсалар, бу жангларнинг барчаси айнаи очиқ майдонда кечган эди. Дарвоқе, мамлуклар қўшини таркибида Жалолиддиннинг вафотидан сўнг Мисрга бориб қолган хоразмлик амир ва аскарлар ҳам бўлган.

Шу ўринда Мўғулистонга саёҳат қилиб, мўғулларнинг ўша даврдаги ҳаёт тарзи, урф-одатлари ва ҳарбий санъати билан яқиндан танишган италиялик сайёҳ Плано Карпинининг бир маълумоти эътиборни тортади. У шундай ёзади: «Татарлар (яъни мўғуллар – Н.Т.) одамларнинг улар билан майдонда жанг қилишларидан кўра, шаҳар ва қалъаларга беркиниб олишларини кўпроқ хуш кўришади». Хоразмшоҳ ўзининг бемулоҳаза қарори билан беихтиёр мўғулларни ниҳоятда хушнуд этган, уруш бошланмасдан турибқ ғалабани бой берган эди.

Жалолиддин Парвон жангига қадар ҳам мўғулларни очиқ жангда уч марта – дастлаб Насо ёнида, сал ўтмай Қандаҳорда ва Чорикор яқинида (Қандаҳор ва Чорикор – ҳозирги Афғонистон

худудидаги жой номлари) мағлубият аламини татиб кўришга мажбур этди. Аламзада Чингизхон Жалолиддинга қарши ўзининг тутинган ўғли ва номдор саркардаларидан бири Шиги Хутуху бошчилигидаги 45 минг кишилик катта қўшин юборади. Маълумки, Ғазна шаҳри яқинидаги Парвон даштида 1221 йилда бўлиб ўтган икки кунлик жангда Жалолиддин Мангуберди қўшини мўғулларни тор-мор келтирди. Тарихчи Жувайний Парвон жангининг қисқача таърифини берадики, ундаги ҳар иккала томон ишлатган ҳарбий усуллар ҳақидаги маълумотлар эътиборга моликдир.

Жувайнийнинг ҳикоясига биноан, жангнинг биринчи куни ниҳоясига етганидан сўнг тунда Шиги Хутуху ўз аскарларига кигиздан одам ҳайкалини ясашни буюради. Эртаси тонгда жанг бошланган маҳалда Жалолиддин жангчилари мўғул қўшинининг сафлари ортганини кўриб, душман мадад олибди, деган хаёлга боришади. Аммо Жалолиддин уларга далда бериб, жанговар кайфиятни тиклашга эришади. Султон суворийлари отларидан тушиб, ёғийни камондан ўққа тутта бошлайди, сўнгра бирданига отларга ўтириб, ялпи хужумга ўтади. *«Мўғул қўшини қочишга тушди. Шу аснода улар қўққисдан орқага қайтиб, султон лашкарларига ташландилар ва қарийб 500 кишини ерга қулатдилар. Султон яйлов шерлари ва қутурган денгизнинг наҳанглари янглиг шу ондайёқ етиб келди; мўғуллар мағлуб бўлишди»*, – ҳикоя қилади Жувайний.

Мўғулларнинг биринчи ҳийласи хусусида мазкур Плано Карпини ҳам гапириб ўтади: *«Баъзан улар одам тасвирини ясаб, отга ўрнатишади. Бунини улар урушаётганларнинг сонини кўпайтириб кўрсатиш учун қилишади»*. Мўғуллар ушбу жангда қўллаган иккинчи ҳийла – ёлғондакамига қочиш ва бирданига орқага қайтиб душман устига ёпирилиш усули кўчманчилар орасида кенг тарқалган ва не-не азим жангларнинг тақдирини ҳал этган.

Бироқ бу жангда душманнинг ҳийлалари зое кетди. Жангнинг натижаси Жалолиддиннинг тўғри тактика қўллаганлигидан далолат бериб турибди. Эътиборли жиҳати шундаки, Жалолиддиннинг бу ғалабасидан сўнг мўғуллар қўлига ўтган бир қанча шаҳарлар аҳолиси исён кўтариб, мўғуллар қўйган ноибларни ўлдиришади.

Нихоят, Жалолиддиннинг нечоғлик жиддий, хатарли куч эканлигига кўзи етган Чингизхон бутун кўшинини тўплаб Ғазна томон йўл олди. Бироқ бу гал Жалолиддинга Чингизхон билан тенг олишувда ўз бахтини синаб кўриш насиб этмади, отасининг хатосини тўғрилаш учун ягона имконият бой берилди. Наинки Жалолиддиннинг, балки ўнлаб халқларнинг тақдирини белгилаб берган бу йўқотишнинг сабаби эса бағоят аянчли, аммо сабоқ бўларли: керак пайтда туркий халқларнинг бир тан-бир жон бўлиб бирлаша олмаслиги, шахсий манфаатни умум манфаатидан устун қўйиш, парокандалик. Узоқ ва яқин тарихимизнинг асосий, аччиқ сабоқларидан бири бу. Худди шу нарсга Жалолиддинни ҳам умрининг охирига қадар таъқиб этди.

Хуллас, гап шундаки, Парвон жангида қўлга тушган ўлжани бўлиб олиш чоғида Жалолиддиннинг лашкарбошилари ўртасида бир зотдор от сабабли низо чиқиб, ҳар бири қарийб 30 минг жангчига эга бўлган Сайфиддин Ағроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Маликлар ўз кўшинлари билан Жалолиддинни тарк этдилар. Жалолиддиннинг уларни қайтариш йўлидаги уринишлари наф бермади. Кейинчалик мўғуллар уларнинг барчасини алоҳида-алоҳида қириб ташладилар.

«Отанинг ўғли шундай бўлмоғи лозим!»

Жалолиддин ночор Ҳиндистонга ўтиб кетиш учун йўлга отланди. Лекин Синд (Ҳинд) дарёси бўйида кемалар ҳозирланаётган бир пайтда Чингизхон ўз кўшинлари билан орқадан етиб келади. 1221 йил 24 ноябрь кун тарихнинг энг тенгсиз ва ҳалокатли жангларидан бири бошланди. Муаррих Жувайний жанг воқеасини шундай таърифлайди:

«Тонгда, кун нури тун бетидан кўтарилиб, тонг сути уфқ кўкрагидан отилиб чиққан пайтда султон (Жалолиддин) сув ва олов ўртасида қолди. Бир тарафда Синд дарёси, бошқа тарафда оташдек куйдирувчи лашкар. Шунга қарамай, султон ўзини йўқотмади, балки мардонаворлик кўрсатди ва ҳозирланиб, уруш ва жанг оловини ёқди; интиқом отини эгарлаб, олишув йўлини танлади. Чингизхоннинг лашкари Амин Малик қўл остидаги ўнг қанотга ҳужум қилди ва жойидан тўзғитиб, аксарини ҳалок этди. Амин Малик жонини омон сақлаб қолиш учун Пешовар (Пешовар

— ҳозирги Покистон ҳудудидаги вилоят ва шаҳар) тарафга қочди. Мўғул қўшини йўлларни тўсиб қўйган эди ва у ярим йўлда ўлдирилди. Мўғуллар чап қанотни ҳам мағлуб этдилар.

Султон марказда 700 нафар жангчи билан тонгдан то кун ярмигача қаттиқ туриб жанг қилди. У чапдан ўнг қанотга от қўяр, ўнг қанотдан марказга ҳамла қилар ва ҳар ҳамлада бир неча кишини қулатарди. Аммо Чингизхон қўшини соат сайин кўпайиб суриб келар, султонга эса жавлон уриш учун майдон торайиб борарди. Аҳвол танглигини кўриб, нам дийда ва қуруқ лаб билан шон-шарафни қурбон берди. Султоннинг тоғаваччаси Ахош Малик ялиниб-ёлвориб уни (ўз қароргоҳига) қайтариб юборди. Султон юрак-бағри куйиб, кўзларида ёш билан фарзандлари ва жигарпоралари билан видолашиди. Сўнгра у захирадаги отини келтиришни буюрди. Унга миниб, яна бир бор офат уммонида наҳанг мисоли жавлон урди. Мўғул қўшинини чекинишга мажбур этиб, жиловни орқага бурди ва совутни ечиб ташлаб, отга қамчи урди. Қирғоқдан туриб 10 газ ёки ундан ҳам ортиқ масофадаги дарёга от солди. Довюрак арслон мисоли дарёдан кечиб ўтиб, нажот соҳилига етди. Чингизхон унинг дарёдан кечиб ўтганини кўриб, отини дарё қирғоғига елдириб келди. Султон бир шамшир, найза ва қалқон билан дарёдан ўтган эди. Чингизхон ва жамики мўғуллар ҳайратдан қўлларини оғизларига қўйдилар. Чингизхон бу ҳолатни кўриб, ўғилларига юзланди ва хитоб қилди: «Отанинг ўғли шундай бўлмоғи лозим! Сув ва оловнинг икки гирдобидан қутулиб, нажот соҳилига етдимиз, ундан беадад ишлар ва беҳисоб таҳликалар туғилажак».

Насавийнинг гувоҳлик беришича, ушбу жангда Жалолиддин ҳатто душман қўшинининг марказига ёриб киришга муваффақ бўлган. Ибн ал-Асир ҳам мўғулларнинг сон жиҳатдан кўпроқ талафот берганларини қайд қилади. Хоразм қўшини мўғулларни қуршаб ола бошлаган бир пайтда мўғулларнинг баҳодир деб аталувчи сараланган жангчилардан иборат захирадаги тумани (туман – 10 минг кишилик бўлинма) жанг тақдирини ҳал этади.

Мағлуб бўлишига кўзи етганидан кейин Жалолиддин ғаним қўлига асир тушмасин учун онаси, хотинлари ва қизларини дарёга чўктиришга фармон беради. Насавийнинг маълумотига кўра, ҳарам аҳлининг ўзи Жалолиддиндан: «Аллоҳни ўртага солиб ёлворамиз, бизни ўлдириб, банди бўлишдан сақлаб қол»,

— дея илтижо этишган. Аммо мўғуллар унинг 7–8 яшар бир ўғлини асир олиб, Чингизхоннинг кўз ўнгида унинг буйруғи билан қатл этишади.

Синд бўйидаги жангнинг акс-садоси ўтмиш қаъридан бизнинг кунларгача фақат ёзма ёдгорликлар воситасидагина эмас, балки оғзаки тарзда ҳам етиб келган. Инглиз шарқшуноси Г. Раверти ҳамда рус олими ва сайёҳи Г.Е. Грумм-Гржимайлонинг ёзишларича, Синд дарёсининг Жалолиддин кечиб ўтган жойи ва шу яқиндаги чўл унинг номи билан «Чўли (Жўли) Жалолий» деб атала бошланиб, бу ном ҳозирга қадар сақланиб қолган.

XX аср бошларида Мўғулистонга саёҳат қилган айрим олимларнинг яна бир гувоҳлиги ғоят эътиборлидир. Ички Мўғулистоннинг (*Ички Мўғулистон* — ҳозирги Хитой Халқ Республикаси ҳудудида) Эжен Хўрў деган жойида Чингизхоннинг мақбараси бор. Бу ерда Чингизхон руҳига атаб турли маросим ва амаллар ўтказиб турилади. Жумладан, рухонийлар ҳар куни эрталаб Чингизхоннинг ўз ҳаёти мобайнида қозонган 150 та катта-кичик ғалабаларини санаб ўтишади. Улар биринчи навбатда Чингизхоннинг Жалолиддин устидан эришган ғалабасини зикр қилиб, ушбу зафарни ато этгани учун илоҳий кучларга миннатдорчилик билдиришар экан.

«Унинг ҳалокати мўғулларнинг ислом заминига бостириб кириши билан баробардир...»

Жалолиддин Синд дараёсидан кечиб ўтганидан сўнг қолган-қутган жангчиларини тўплаб, Шимолий Ҳиндистон ҳудудидаги бир қанча давлатлар ҳукмдорлари билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. Улар билан бўлган қатор жангларда қўли баланд келган бўлишига қарамай, Ҳиндистонда муқим ўрнашиш, иттифоқчилар топиш мушкул эканлигини англаб, у ердан Эронга, 1224 йили эса Озарбойжонга келиб, уни забт этди. Шу вақтдан эътиборан Жалолиддиннинг Озарбойжон ва унга қўшни мамлакатлар (Эрон, Гуржистон, Қўния, Анатолия, Ироқ ва бошқа араб мамлакатлари) ҳудудларидаги фаолияти бошланади.

Жалолиддин бу даврда жисми кетиб исми қолган Хоразмшоҳлар давлатини тиклашга муваффақ бўлди, уни янги ерлар ҳисобига кенгайтириш учун тинимсиз кураш олиб борди. Жалолиддин кучли ва мустаҳкам давлат барпо этиш, унга таянган ҳолда мўғуллар билан курашни давом эттириш умидида эди.

Мангуберди ҳаёти ва фаолиятининг бу мураккаб, зиддиятли даври ҳақида сўз борар экан, бир масала, яъни унинг дипломатиясига бироз тўхталиб ўтишга тўғри келади. Зеро, айрим тадқиқотчилар Жалолиддинни буюк саркарда ва беназир жангчи сифатида эътироф этганлари ҳолда, унинг қўшни мамлакатларга нисбатан тутган сиёсатига танқидий қарайдилар. Уларнинг фикрига кўра, Жалолиддин дипломатияни ишга солиб, қўшни ҳукмдорлар билан иттифоқ тузиш ўрнига, уларга қарши урушиб, ўз ҳалокатини тезлаштирган.

Аммо манбалар билан танишиш асносида иттифоқ тузиш иши қанчалар мушкул бўлганлигига ишонч ҳосил қилади киши. Жалолиддиннинг Бағдод халифалари, Қўния султони Алоуддин Кайқубод, уч ака-ука айюбийлар, Гуржистон подшоҳи Русудана ва бошқа ҳукмдорлар билан иттифоқ тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасиз тугаши қатор сабаблар билан боғлиқ. Улар орасида мазкур ҳукмдорлар ўртасидаги адоват ва рақобат, уларнинг ҳиссиёт ва кайфиятлари, ўша даврга хос хурофотлар каби биринчи қарашда арзимас кўринувчи омилларни ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Мисол учун, араб тарихчиси Муҳаммад Ҳамавийнинг ёзишича, бир гал Алоуддин Кайқубод Жалолиддиннинг элчиларини ўтиришга таклиф этмайди ва умуман уларнинг биронта саволига ҳам жавоб бермайди. Элчилар қайтар чоғида Кайқубод бу қилмишини Салжуқийларнинг келиб чиқиш жиҳатидан Хоразмшоҳлардан устун эканлиги билан изоҳлайди.

Бағдод халифалари эса Султон Такаш ва Султон Алоуддин Муҳаммадга бўлган адоватлари боис Жалолиддинга ёрдам беришдан бош тортибгина қолмасдан, аксинча, бошқа ҳукмдорларни (шу жумладан, мўғулларни ҳам) унга қарши гиж-гижлаш, уни кучсизлантириш ва ҳалок этиш учун маблағу воситани аямадилар.

Жалолиддиннинг амалга ошай деб турган кўплаб уринишлари барбод бўлишига бир неча шахсларнинг билиб-билмай қилган хатолари ва очиқча тўсқинликлари ҳам сабаб бўлди. Улар орасида Жалолиддиннинг сўнгги вазири Шарафудмулк алоҳида ўрин тутди. Тарихий манбаларда айтилишича, унинг айби билан дастлаб халифа ал-Мустансир ва Алоуддин Кайқубод номидан келган элчилар натижасиз қайтдилар. Шарафудмулк ҳатто Кайқубоднинг элчиларини таҳқирлашгача бориб етади.

Хуллас, Кўния султони Алоуддин Кайқубод Жалолиддинга қарши 6 нафар ҳукмдордан иборат кучли иттифоқ тузди. 1230 йилда Яссичаманда (Яссичаман – ҳозирги Туркия ҳудудидаги текислик) иттифоқчилар билан бўлиб ўтган жангда Жалолиддин зафар қучишга яқин турган бир пайтда негадир сусткашлик қилиб, мағлубиятга учрайди. Бу пайтга келиб мўғулларнинг ғарбга янги юриши бошланган эди. Жалолиддин Жазира, Ҳилот ва Майофориқин вилоятларининг ҳукмдори Малик Ашрафнинг асир олинган укасини ўз элчиси сифатида унинг ҳузурига юбориб, ёрдам сўрайди. Шарафудмулк у билан бирга махфий одам юбориб, бу тadbирни ҳам барбод қилади. Вазирнинг бузғунчилиги узокқа чўзилмади: унинг Жалолиддиндан ҳокимиятни тортиб олишда мадад сўраб атроф ҳукмдорларга ёзган мактублари қўлга тушгач, у ҳибсга олиниб, қатл этилади.

Жалолиддиннинг кучсизланганидан хабар топган исмоилийлар бу ҳақда мўғулларга хабар берадилар. Мўғуллар унинг қароргоҳига кўққисдан ҳужум қилишади. Жалолиддин амири Урхонга душманни чалғитишни буюриб, ёлғиз ўзи тоғ томон от кўяди. Орқадан етиб келган икки мўғулни ўлдириб, йўлида давом этади. Диёрбакир (ҳозирги Туркия ҳудудидаги тоғли вилоят) қишлоқларидан бирида уни курд қароқчилари қўлга туширадилар. Шулардан бири Жалолиддиннинг султон эканлигига ишонмай ва Ахлот қамали (Ахлот [Хилот] – ҳозирги Туркия ҳудудида, Ван кўли бўйида жойлашган шаҳар. Жалолиддин уни бир неча марта қамал қилиб, охир-оқибат ўз тасарруфига киритган) пайтида хоразмликлар томонидан ўлдирилган акасининг ўчини олиш мақсадида найза санчиб уни ўлдиради. Бу машғум воқеа 1231 йил август ойининг ўрталарида рўй бери.

Қизиғи шундаки, Жалолиддиннинг вафотидан сўнг одамлар орасида: «Султон ўлгани йўқ, у лашкар тўплаб юрибди», деган

овозалар тарқалади. Жувайнийнинг гувоҳлик беришича, йиллар ўтиб ҳам ҳар вақт-ҳар вақт халқ орасида: «Султонни фалон жойда кўришибди», ёки «у хирқа кийиб, тасаввуфга берилибди», деган гаплар тарқалади. 1236 йилда эса бир киши ўзини «Мен Султон Жалолиддинман», деб эълон қилиб, мўғулларга қарши бош кўтаради. Мўғул амирлари Жалолиддинни танийдиган бир гуруҳ кишиларни олиб келиб, унинг ёлғон гапираётганидан хабар топадилар ва уни қатл қиладилар. Шу муаррихнинг ёзишича, 1254 йилда, яъни Жалолиддин вафотидан 23 йил кейин бир гуруҳ савдогарлар Амударё бўйига етиб келишади. Улардан бири ўзини Султон Жалолиддин деб таништиради ва ҳар қанча қийинасалар ҳам, ўз сўзидан қайтмайди, натижада мўғуллар уни ҳам ўлдирадилар.

Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар босқинини тўхтатишга қодир катта куч эканлигини унинг дўстларигина эмас, ҳатто душманлари ҳам яхши англади. Мисол учун, Малик Ашрафга унинг вафот этганини хушхабар тарзида етказганларида, у шундай жавоб беради: *«Сиз мени унинг ўлими билан муборакбод этмоқдамисиз? Аммо сиз ҳали бунинг (яъни, Жалолиддин ўлимининг – Н.Т.) оқибати азобини тортажаксиз, зеро Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, унинг ҳалокати мўғулларнинг ислом заминига бостириб кириши билан баробардир. Энди хоразмшоҳ каби биз билан Яъжуж ва Маъжуж (яъни, мўғуллар – Н.Т.) орасида девор бўладиган куч йўқ»*. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай, шундай бўлди ҳам.

Жалолиддиннинг вафотидан сўнг унинг ғарбий ўлкаларда қолиб кетган амирлари ва аскарларининг тақдири ҳам қизик. Ўша давр манбаларида хоразмийлар деб аталувчи бу марду майдонларнинг кейинги ҳаёти ва фаолиятлари ўлкамиз тарихининг билимдони ва мухлиси, озарбойжонлик шарқшунос олим Зиё Мусоевич Буниётовнинг «Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231)» китобида қисқача баён этилган. (Бу асар рус тилида 1986 йили Москвада, ўзбек тилида 1998 йили Тошкентда нашр этилди.) Унинг ёзишича, хоразмийлар катта ҳарбий куч бўлиб, маҳаллий сулоалалар бу куч билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Улар раҳнамосиз қолган бу жангчиларни ўз хизматларига жалб этиб, улардан асосан ҳокимият учун ўзаро урушларда ва чегара ерларини мўғуллардан ҳимоя этишда фойдалан-

дилар. Айюбий шахзодаларнинг ўзаро низоларида ҳамда Рум Салжукийлари билан Айюбийлар ўртасидаги урушларда гоҳ у, гоҳ бу ҳукмдор ёнини олиб жангга кирган хоразмийлар бутун Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетишди.

Жумладан, уларнинг бир қисми Мисрга бориб қолади ва Миср султони Сайфиддин Қутузнинг қўшинига киради. Худди шу пайтда мўғуллар Мисрга элчи юбориб, тезда бўйин эгиш ва ўлпон тўлашни талаб қилган эдилар. Қутуз амирларни чорлаб маслаҳат солди. Хоразмлик амирлар душманга тобе бўлмаслик ва жанг қилишни ёқлаб чиқишди. Султон ҳам шуни маъқул кўрди. Маълумки, 1260 йил 4 апрель куни Фаластиннинг Айн Жалут деган жойида бўлиб ўтган жангда мўғуллар тор-мор келтирилиб, уларнинг ғарбга қараб юришлари тўхтатилган эди. Жангдан сўнг Сайфиддин Қутуз фахр билан: «Мен мўғулларни яксон қилдим ва хоразмшоҳ амакимнинг ўчини олдим», деган эди. Зеро, манбалардан маълум бўлишича, Сайфиддиннинг онаси Жалолиддин Мангубердининг опаси, отаси эса унинг амакиваччаси эди.

З.М. Буниётовнинг маълумотига кўра, хоразмийларнинг авлодлари ҳозирга қадар Туркия, Сурия, Миср ва Ироқ мамлакатларида Хоразм, Хурзум, Хўзўм ва шунга ўхшаш номлар билан аталувчи қишлоқларда яшаб келишмоқда.

Жалолиддин Мангуберди авлодлари ҳақидаги вақт жиҳатидан сўнгги маълумотни эса Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушо» асарида ўқиймиз. Унда ҳикоя қилинишича, Жалолиддиннинг бир қизи мўғул лашкарбошиси Журмоғул томонидан асир олинади. Унинг исми ҳам Туркон (Теркен) эди. Асирани кейинчалик Элхонлар давлатининг ҳукмдори Ҳулағухон саройига келтиришади. Ҳулағухон Мўсул шаҳри (ҳозирги Ироқ ҳудудида) ҳокимининг хизматларини ҳисобга олиб, Турконни унинг ўғли Малик Солиҳга шарият қоидаларига биноан никоҳлаб беради. Бу воқеа 1257 йилда, Жалолиддин вафотидан 26 йил кейин рўй берган эди.

«У шерлар ичра шер...»

Шаҳобиддин Насавий ўзининг «Сират ас-Султон Жалолиддин Мангбурни» номли асарида Жалолиддинни шундай таъриф ва тавсиф қилади: «У қорачадан келган, калта бўйли эди. Нутқу ибораси туркий бўлса-да, форсий тилда ҳам сўзларди. Шижоатига келсак, бу ҳақда айтиш учун мен баён этган жанглари етарлидир. У шерлар ичра шер, суворийлар аро энг довжорак (суворий) эди. Ва юмшоқ табиат бўлиб, ғазабланмас ва сўкинмасди, жиддий қиёфада юрар, қулмас, фақат табассум қилар ва кўп гапирмас эди. У адолатни севарди».

Бир қарашда Насавийнинг таърифи, айниқса, қаҳрамони-мизнинг юмшоқ табиатли эканлиги ҳақидаги сўзлар бизнинг тасаввуримиздаги Жалолиддинга номувофиқдек туюлади. Аммо унинг буюклиги ҳам, эҳтимол, шундаки, у камтарлик ва мағрурлик, вазминлик ва жўшқинлик, раҳмдиллик ва беаёвликни ўзида бирдек мужассам этган шахсдир. Жалолиддиннинг ўзи битган бир тўртлик унинг ўз-ўзига берган холисона баҳоси каби жаранглайди:

*Дар разм чун оҳаниму дар базм чу мум,
Бар дўст муборакиму бар душман шум.
Аз ҳазрати мо баранд инсоф ба Шом,
Ва-з ҳайбати мо баранд зуннор ба Рум.*

Мазмуни:

*Жангда худди темирдек, базмда мисли муммиз,
Дўстга марҳаматли, ганимга эса шуммиз.
Улугворлигимиздан Шомга инсоф элтарлар.
Ҳайбатимиз дастидан Румга зуннор элтарлар.*

Бу шеър эронлик олим ва шоир Ризоқулихон Ҳидоят (1800–1871)нинг «Мажмаъ ал-фусаҳо» номли тазкирасида Жалолиддин Мангуберди ижодидан намуна сифатида келтирилган. Афсуски, Жалолиддин Мангубердининг бошқа шеърлари сақланиб қолмаган.

Жалолиддиннинг саркарда ва жангчи сифатидаги маҳорати ҳамда жасоратидан гувоҳлик берувчи, унинг ҳукмдор ва оддий

инсон сифатидаги фазилатларидан баҳс юритувчи маълумотлар ҳам манбаларда кўплаб учрайди. Шулардан бир нечтасига мурожаат қиламиз.

«Султон Жалолиддин 625 йил (милодий 1227–1228 йиллар) да Гуржистонга юрди. Рум, Шом, Арманистон султонлари ва ўша ҳудуднинг бошқа ҳукмдорлари унинг қудрати ва интиқоми, шиддати ва шижоатидан қўрқиб, ўзаро иттифоқ тузган ва унга қарши бирлашган эдилар. Гуржи, алан, арман, сарир, лакз, қипчоқ, сван, абхаз ва жонитлар ҳамда Шом ва Рум қўшинлари – барчаси йигилишди. Уларга ҳаёт оташида тобланган ва жанг кунининг саралари ҳисобланмиш кишилар ҳам қўшилдилар...

Гуржистон қўшини сафга тизилаётган пайтда султон уларнинг раҳнамоси Иване ҳузурига бир чопар юборди: «Сизлар узоқ йўлдан бугун етиб келдингизлар. Отларингиз ҳолдан тойган, одамларингиз толиққан. Бугун ҳам ўз жойимизда қолайлик. Ҳар икки тарафдан жанговар ёшлар майдонга тушиб, яккама-якка беллашсинлар. Биз эса бугунча эртанги ишни четга суриб, томоша қилайлик». Иванега бу гап жуда манзур тушди. Уларнинг паҳлавон ёшлари ва диловар ботирлари орасидан гавдаси тоғ билан баҳслашувчи бир сардор майдонга чиқди. Бу тарафдан эса мункирмонанд султон майдон сари одимлади:

*Лашкар ичидан шердек ташланиб зоҳир,
Ҳужир олдида пайдо бўлди баҳодир.*

Ҳар икки томон одамларининг нигоҳи уларда эди. Султон отини елдирганча такбир айтиб,

*Санчди найза нишон олиб белини,
Ўтди тешиб чакмону белбогини.*

У малъун отдан ерга ағдарилди ва жон берди. Унинг уч нафар ўгли бор эди. Улар навбат билан бирма-бир майдонга тушар, султон уларни отасининг орқасидан равона қиларди.

Сўнгра сумбати Бисутун тоғидек келадиган бошқа бир азнавур фил суратли отда сутундек найза билан олга ташланди. Султоннинг оти бағоят толиққани боис ҳаракатдан қолган, сал бўлмаса қочишга тушар ҳолда эди. Азнавур эса ҳар лаҳза ҳамла уюштирар, султон эпчиллик билан уларни қайтарарди. Шу тариқа у кетма-кет ҳамла қилиб, султонни бир неча жойидан

яралади. Вазият огирлашган, шайтони ражимнинг султони раҳим устидан голиб келишига, шоҳнинг ёвуз дев чангалига тушишига бир баҳя қолган эди. У яна султонга ташланган бир онда султон чопиб бораётган отидан сакраб тушиб,

Солди Ашқобуснинг бошига найза,
Ўнди само унинг қўлин шу лаҳза.

Ҳар икки тараф Рустами Золга ҳам муяссар бўлмаган бу жасоратдан таажжуб қилар ва

Ҳар бири дердики «бу ё Рустамдир,
Ва ёки бир офтоби субҳидамдир».

Султон ўша жойдан туриб қамчисининг сопи билан ишора қилди. Марду майдонлар олга босдилар. Гуржистон қўшини таҳликага тушди. Зафарнинг илк аломатлари зоҳир бўлиб, нусратнинг жозибадор нурлари чехра очди. Улар вақт борида қочиб қолиб, оқшом этагига ёпишиш ва сўнгра тун зимистонига яширинишдан ўзга чора тополмадилар».

Юқорида келтирилган ҳикояда мўғуллар хизматида бўлган тарихчи Жувайний «Шоҳнома»дан парчалар келтириб, воқеани жонли тасвирлашга ҳаракат қилади. Жалолиддиннинг ўзини эса «Шоҳнома» қаҳрамонларидан-да устун қўяди.

1228 йилда Жалолиддин мўғулларнинг Амударёдан ўтганликларидан воқиф бўлиб, уларга қарши Исфаҳон томон юрди. Жанг олдидан бир гуруҳ амирлар безовга бўлиб, Жалолиддиннинг ҳузурига кирдилар. Жалолиддин амирларни хотиржам қилиб, руҳини кўтариш мақсадида дастлаб улар билан бўлажак жангга умуман алоқаси бўлмаган нарсалар ҳақида суҳбатлашди. Сўнгра жанг тартиби ҳақида маслаҳатлашиб, уларни жанггоҳни ташлаб қочмасликка қасам ичирди ва ўзи ҳам шунга қасамёд қилди.

Жанг айна кизиган паллада эса пистирмадаги сараланган жангчилардан иборат мўғул бўлинмиси Жалолиддин қўшинининг чап қанотини янчиб, марказга суриб ташлади. Тартиб бузилиб, Жалолиддин 14 нафар аскар билан қуршовга тушиб қолди. Шу аснода Жалолиддин байроқдорнинг қочишга тушганини кўриб қолиб, уни найза отиб ерга қулатди. Сўнг

бир ҳамла билан ёв сафларини ёриб, қуршовдан чиқиб кетди. Буларни кузатиб турган мўғул амири Тайнол нўён қўлидаги хос таёғи билан Жалолиддиннинг орқасидан кўрсатганча хитоб қилиб қолган эди: *«Қаерда бўлма, сен албатта нажот топасан! Сен чиндан ҳам замонангнинг эр йигити ва тенгдошларингнинг пешвосисан!»* Насавийга буни кейинчалик Жалолиддин хизматига қочиб борган бир мўғул амири гапириб берган экан. Ибн ал-Асирнинг сўзларига қараганда, Исфаҳон жангидан кейин мўғуллар олий ҳукмдори Ўктой-қоон Жалолиддинга хат ёзиб, «Султон Жалолиддиндан мағлуб бўлган аскарлар бизники эмас, биз уларни ўзимиздан қувиб юборган эдик», дея ўзини оқлашга уринган эди.

Жалолиддин учинчи марта айюбийлар тасарруфидаги Хилот шаҳрини қамал қилиб турган пайтда (1229 йил) Миср ва Сурия ҳукмдори ал-Малик ал-Одилнинг ўғли, қамалда ётган шахзода Мужириддин Яъқуб қалъа деворидан туриб, Жалолиддинни яккама-якка олишувга таклиф қилади. Жалолиддин рози бўлиб, совутини кияётган чоғда вазир Шарафулмулк шахзода Мужириддиннинг унга тенг эмаслигини ваз жўрсатиб, уни йўлидан қайтаришга уринади. Жалолиддин унинг илтимосини рад этади: *«Олишишни хоҳлаётган одам билан қандай қилиб олишмаслик мумкин? Модомики мени чорлаётган эканлар, бош тортишга қандай асосим бор?»* Жалолиддин якка ўзи отга ўтириб, келишилган вақтда шаҳар дарвозаси олдига боради. Аммо Мужириддин қалъадан чиқмайди ва Жалолиддин орқасига қайтиб кетади.

Ушбу қамал пайтида Жалолиддин мўғуллар қўлида бўлмиш опаси Хонсултондан мактуб олади. Хонсултон қуйидагиларни баён этган эди: *«Қоонга (бу ўринда Чингизхоннинг ўғли ва вориси Ўктой-Қоон [ҳукмронлик даври: 1229–1241] назарда тутилмоқда – Н.Т.) сенинг куч-қудратинг, қуро-аслаҳаларинг ва мулкларингнинг бепоёнлиги ҳақида хабар етди. Шулар боис у сен билан яқинлашиш ҳамда мулкларингизни Жайхун билан чегаралашни ирода этди: сенга дарёгача булган ерлар, унга эса дарёнинг нариги тарафи. Хуллас, агар уларга қарши турмоққа имконинг бўлса, улар билан жанг қил ва қасос ол – бу сенинг раъю ихтиёринг. Бунинг иложи бўлмаса, ўзлари шуни хоҳлаб турганларида фурсатни бой бермай, улар би-*

лан яраш». Жалолиддин ўзини бу хатга умуман эътибор бермагандай кўрсатади ва ҳеч қандай жавоб ёзмайди.

Султон Алоуддин Муҳаммад Каспий оролларида бирида ўлим билан олишиб ётган пайтда Мозандарон ва яқин атрофдаги бошқа вилоятлар аҳолиси ва айрим амалдорлар унга озиқ-овқат ёки турли керакли нарсалар келтириб турардилар. Султон Алоуддин миннатдорчилик юзасидан бу одамлар номига юқори мансаб ёхуд катта ерларга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи хужжат битарди. Кейинчалик уларни Жалолиддинга тақдим этишганида у мазкур ёрлиқ ва фармонларнинг барчасини расман тасдиқлади. Агар бирон кимсада отасининг пичоғи, сочиғи ёки бошқа нишони бўлса, Жалолиддин ўша нарсани юзига босиб ўпар ва уни олиб келган кишига мансаб ёки ер-мулк ҳадя этиш бўйича тегишли фармонларни имзоларди.

Жалолиддиннинг Исфаҳон, Мароғ ва Хилот шаҳарларида турли иморатлар барпо этганлиги манбалардан яхши маълум. 1225 йилнинг ёзида Табризни забт этганидан сўнг Жалолиддин шаҳар аҳолисига хабар беради: *«Вайронага айланган Мароғда қандай хайр-саховатлар қилганимни ва қандай бинолар бунёд этганимни кўрдингиз. Энди адолатимга ҳамда шахрингизни нечоғлик обод этишимга гувоҳ бўлгaysиз»*.

Шу нарса эътиборлики, Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг куч-қудратини яхши англагани ҳамда кўпчилик аскарларнинг улардан кўрқишини билгани ҳолда, мўғулларга фақат ўзи қарши тура олишини ҳам яхши тушунарди. Бу нарса унинг бошқа ҳукмдорлар билан олиб борган ёзишма ва музокараларида яққол кўзга ташланади. Бир мисол: Жалолиддин мадад излаб Бағдод халифалиги чегараларига яқинлашганида халифа ўз амири Қуштемурни катта қўшин билан бирга унга қарши юборади. Жалолиддин чопар орқали Қуштемурга шундай мурожаат қилади: *«Бизнинг бу тарафга келишимиздан мақсад амир ал-мўъмининнинг олий соясидан паноҳ излашдир. Зеро, қудратли душман ҳолиб келиб, мамлакатлар ва Аллоҳ бандаларини истило этмишлар; ҳеч бир лашкар уларга қарши туришга дош беролмаётир. Агар халифадан мадад топсам ва унинг ризосидан қувват олсам, у қавмни (яъни, мўғулларни – Н.Т.) даф қилиш менинг ишимдир»*. Аммо Қуштемур ўзини қарликка солгач, Жалолиддин жанг бошлаб, унинг қўшинини қириб ташлади.

1231 йили, Жалолиддиннинг вафотидан биров илгари мўғуллар Озарбойжонга бостириб кирганларида Жалолиддин қўшни мамлакатлар ҳукмдорларига чопар юбориб, шундай му-рожаат қилади: *«Мўр-малахдек беадад татар (яъни, мўғул – Н.Т.) лашкарлари яқинлашмоқдаки, улардан на қалъа ва на шаҳарлар омон қолажак. Бу тарафлар жангчиларининг дилида улардан қўрқув ва ҳайиқиш жой олмишидир. Башарти мен орадан чиқсам, сизларда уларга қарши туришга имкон қолмағай. Ўзларингиз, фарзандларингиз ва бутун мусулмонларга раҳм қилиб, ҳар бирингиз менга бир бўлинмани байроқ билан бирга юбориб, мадад берингиз, токим бизнинг ўртамиздаги иттифоқ ва ҳамжиҳатлик овозаси етса, улар тушкунликка тушиб, бизнинг аскарларимизнинг эса кўнгиллари кўтарилгай».*

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳеч ким Жалолиддинга ёрдам қўлини чўзмади. Бунинг натижаси эса яхши маълум.

Хуллас, Жалолиддин Мангубердининг жўшқин, мазмунли ҳаёти ва фаолиятида интилишга лойиқ намуна, айни пайтда ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайдиган улкан сабоқ бор.



Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. *Бартольд В.В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия // *В.В. Бартольд. Сочинения. Том I.* – М.: Наука, 1963.
2. *Бунйёдов З.* Ануштегин-Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231). Рус тилидан Ашраф Аҳмад ва Маҳкам Маҳмуд таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
3. *Буниятов З.М.* Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097–1231). – М.: Наука, 1986.
4. *Бўриев О., Тошев Н.* Жалолиддин Мангуберди (Даври. Саркардалик фаолияти. Манбалар.) – Т.: Фан, 1999.
5. Жалолиддин Мангуберди (ўзбек, рус, инглиз т.). Масъул муҳаррир Ҳ. Кароматов. – Т.: Шарқ, 1999.
6. *Жувийний Алоуддин Атомалик.* Мирза Муҳаммад Қазвиний нашри. I ва II жилдлар. – Лейден-Лондон, 1912, 1916.
7. *Жузжоний Минҳожиддин Усмон ибн Сирожиддин.* Табақоти Носирий. Абдулҳай Ҳабибий нашри. Икки жилдда. Кобул, 1342–1343/1963–1964.
8. *Ибн ал-Асир.* Ал-Камил фи-т-та'рих. Полный свод истории. Избранные отрывки. Перевод с арабского языка П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу Ш.С. Камолиддина. – Т.: Узбекистан, 2006.
9. *Карпини Джиованни дель Плано.* История монголов // Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. – М, 1957. – С. 23–86.
10. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Жалолиддин Мангуберди зикри. – Т.: Фан, 1999.
11. *Ан-Насави, Шихаб ад-Дин Мухаммад.* Сират ас-султан Джалал ад-Дин Манкбурны (Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны). Перевод с арабского З.М. Буниятова. – М, 1996.
12. Татаро-монголы в Азии и Европе. Сборник статей. – М, 1977.

-
13. Тонарий О. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. Турк тилидан Бобоҳон Муҳаммад Шариф таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999.
14. Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди (Улуғ саркарда ҳаётига оид айрим қайдлар). – Т.: Қатортол-Камолот, 1999.
15. Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди ўз даври ёзма манбаларида // Ўзбекистон тарихи. 1999, № 1. – Б. 54–57.
16. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди (даври, маданий ҳаёт, манбалар). (Мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 1999.
17. Шихаб ад-Дин Муҳаммад ан-Насави. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Перевод с арабского З.М. Бунятова. – Баку: Элм, 1973.
18. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари. Рус тилидан К. Матёкубов таржимаси. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
19. Rafesoglu I. Harezmsahlar devleti tarihi (485–618/1092–1221). – Ankara, 1992.
20. Morgan D.O. The Mongols. – Oxford, 1990.



Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Ёзма манбаларда Жалолиддин Мангуберди тавсифи	4
Мўғуллар босқини	8
«Ўғлим Мангубердигина қасос олишга қодир...»	11
«Отанинг ўғли шундай бўлмоғи лозим!»	16
«Унинг ҳалокати мўғулларнинг ислом заминига бостириб кириши билан баробардир...»	18
«У шерлар ичра шер...»	23
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	29

Нурёғди Искандарович Тошев,
тарих фанлари номзоди

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

(рисола)

ўзбек тилида

Муҳаррир В. Умиров
Техник муҳаррир У. Хамутов
Мусахҳиҳ Н. Сайдаҳмедова
Дизайнер Г. Насридинова
Компьютерда саҳифаловчи С. Сайдаҳмедов

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16-А уй.
Телефон: (+99871) 241-0169
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: abu_mc@uzconsult.org
abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашр. лиц. АИ № 090, 16.07.2007. Босишга 16.03.2011 йилда рухсат этилди.
Бичими 60×84 $\frac{1}{16}$. Шартли босма тобоғи 1,86. Нашр тобоғи 2,00.
Адади 2000 (биринчи завод – 1000). Буюртма №11-004.
Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ
матбаа бўлимида босилди.